



**ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-
ПРАВОВЫХ АКТОВ**

Проект

ИДОРАЛАРНИНГ БУЙРУҚ ЁКИ ҚАРОРИ

**Давлат мулкини ижарага бериш шартномалари бўйича тўловларни ундириш ва уларнинг
тақсимотини “E-ijara” электрон тизими ҳамда “online-ijara.uz” ахборот тизими орқали
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

IHL-129/24-4

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ
ҚўМИТАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ
БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ**

ҚАРОРИ

**Давлат мулкини ижарага бериш шартномалари бўйича тўловларни ундириш ва уларнинг
тақсимотини “E-ijara” электрон тизими ҳамда “online-ijara.uz” ахборот тизими орқали
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2023 йил 14 декабрдаги 660-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги қарор қиласин:

1. Давлат мулкини ижарага бериш шартномалари бўйича тўловларни ундириш ва уларнинг тақсимотини “E-ijara” электрон тизими ҳамда “online-ijara.uz” ахборот тизими орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Солик қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат
активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил “___”
даги ___-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат мулкини ижарага бериш шартномалари бўйича тўловларни ундириш
ва уларнинг тақсимотини “E-ijara” электрон тизими ҳамда “online-ijara.uz” ахборот тизими
орқали амалга ошириш тартиби тўғрисидаги**

НИЗОМ

Ушбу Низом давлат мулкини ижарага бериш шартномалари бўйича ижара тўловларни
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солик қўмитасининг (бундан бўён матнда Солик қўмитаси деб
юритилади) “E-ijara” электрон тизими ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг “online-
ijara.uz” ахборот тизимлари орқали ундириш ва тақсимлаш қоидаларини белгилайди.

1-боб. Умумий тушунчалар

1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

“E-ijara” электрон тизим – қўчмас мулкини ижарага бериш (олиш) ёки текин фойдаланиш
шартномаларини солик хизмати органларида ҳисобга қўйиш тизими.

“online-ijara.uz” – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги
хузуридаги Давлат мулки обьектларидан самарали фойдаланиш маркази
(кейинги ўринларда – Марказ) томонидан давлат мулкини ижарага бериш, ижара
шартномаларининг мониторинги ва тушумларни назорат қилиш бўйича ахборот тизими;

ижара ҳақи (тўлови) – ижара шартномасида томонларнинг ўзаро келишувига биноан
белгиланадиган тўлов миқдори.

тақсимот — ижара шартномалари бўйича келиб тушган маблағларни белгиланган тартибда
ҳисоб рақамларга йўналтириш;

давлат мулки – республика мулки ва маъмурий-худудий тузилмаларнинг мулки
(муниципал мулк)дан иборат бўлган оммавий мулк шунингдек, давлат ташкилотлари,
корхоналари ва муассасалари ҳамда хўжалик жамиятларига тасарруф этиш ҳуқуқисиз берилган
давлат мулки;

ижараага берувчи – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги
хузуридаги Давлат мулки обьектларидан самарали фойдаланиш марказининг Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари;

ижараага олевчи – ушбу Низомда белгиланган тартиб ва шартларда давлат мулкини ижара
шартномаси асосида фойдаланишга олевчи жисмоний ёки юридик шахс.

2. Ижара шартномалари бўйича келиб тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 декабрдаги 660-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат
мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида”ти Низомнинг 60-бандига мувофиқ тақсимланади.

2-боб. Ижара тушумларини ундириш

3. “E-auksion” электрон савдо натижаларига кўра расмийлаштирилган ижара шартномалари “**online-ijara.uz**” ахборот тизимида ҳисобга олинади, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар ҳамда балансда сақловчилар ўртасида ижара объектини топшириш-қабул қилиш далолатномалар расмийлаштирилади.

4. Топшириш-қабул қилиш далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг автоматик равища “**online-ijara.uz**” ахборот тизимида ижара тўлов графиги тузилади.

5. Ижара тўловларини ҳисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 декабрдаги 660-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 55-бандига мувофиқ амалга оширилади.

6. Ижара тушумлари ушбу Низомнинг 2-бандига асосан тақсимланади, қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

7. Ижара шартномалари бўйича ундирилмаган маблағлар Марказнинг “**online-ijara.uz**” ахборот тизими орқали Солик қўмитасининг “**E-ijara**” электрон тизимида акс эттирилади.

8. Шартномавий мажбурият (ижара тўлови)лар кечикирилган ҳар бир календарь кун учун пеня ижара шартномасида кўрсатилган шартларда “**online-ijara.uz**” ахборот тизими орқали ҳисобланади ва ундирилади.

9. Ижарага олувчи Низомнинг 6-банди ижросини таъминламаса, тегишлилиги бўйича Марказнинг худудий бошқармалари худудий солик органлари билан “**E-ijara**” электрон тизими маълумотлари асосида ҳамкорликда ижара тўловларини қонунчиликда белгиланган тартибда ундириш бўйича амалий чоралар кўради.

3-боб. Ижара тушумларини тақсимлаш

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимини икки ой муддатда Марказнинг “**online-ijara.uz**” ахборот тизими билан интеграция қилинади.

Бунда, “**online-ijara.uz**” ахборот тизими орқали ижара тўловларни тақсимлаш, тақсимланган маблағлар тўлов топшириқномаларни автоматик тарзда яратиш ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимига юборилади.

11. Ижара тўловлари бўйича тушган маблағлар “**online-ijara.uz**” ахборот тизими орқали тегишлилигича тақсимланади.

12. Марказнинг “**online-ijara.uz**” ахборот тизими орқали яратилган тўлов топшириқномаларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимига юборилади.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизими орқали маблағлар тўлов топшириқномаларига асосан тақсимланиши таъминланади.

14. Нотўғри ёки хато тўланган маблағлар ҳисоби “**online-ijara.uz**” ахборот тизими орқали юритилади ва Марказнинг худудий бошқармалари томонидан белгиланган тартибда тўловчига қайтарилади.

4-боб. Якуний қоида

15. Солик қўмитаси ва Марказнинг худудий бошқармалари “**E-ijara**” электрон тизим ва “**online-ijara.uz**” ахборот тизими орқали ижара шартномалар ҳисобини юритади ҳамда ижара

түшумларини ундириш ишларини назорат қилади.

16. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.